ЎЗБЕКИСТОНДА ДИННИНГ ТИКЛАНИШИ: ҲАҚҚОНИЙ ВА ЁЛҒОН ТАЛҚИНЛАР

Ш. ВАЛИЕВ

Автор критически рассматривает различные толкования и оценки зарубежными специалистами политики независимого Узбекистана в области религии.

The author of the article critically analyses the approaches of foreign experts to the policy of Uzbekistan in the fields of religion.

Ўзбекистон давлати ташкил топган дастлабки кунларданоқ ўз сиёсатида дин, айниқса, ислом динига доимий эътибор бериб келинмоқда. У энг аввало динга қарши большевистик инквизицияни, худога қарши курашни қатьиян рад қилди. Бунинг боисини Президентимиз ғоят асосли тушунтириб, "дин халқимиз тарихининг маънавий қиёфаси, унинг ажралмас қисми, у одамлар турмуш тарзи, ахлоқи, маданияти, туйғусига ўчмас муҳрини босганлигини" таъкидлайдилар [1.1.21.].

"Инсон, - дейди И.Каримов, - эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга"[1.2.29.]. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ислом динига кенг йўл очиб берилганлиги юқоридаги омиллар билан белгиланади.

Айни вақтда Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ислом дини билан ниқобланган жангари экстремистик гуруҳларга қарши доимий курашиб келмоқда. Бу кураш нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа, ҳатто жаҳон хавфсизлиги, барқарорлиги, тинч тараққиётининг асосий шартларидан биридир. Чунки диний экстремизм ва фундаментализм ҳозирги давр фашизми бўлган халқаро терроризм билан чатишиб кетган. Замонавий фашизм диндан унга мутлақо алоқаси бўлмаган сиёсий, тажовузкор, талончилик, хатто қотиллик мақсадларида фойдаланишга уринмоқда.

Бинобарин, янги Ўзбекистон давлати, бир томондан, диннинг, жумладан, исломнинг тикланиши ва равнақига кенг йўл очиб берди. Иккинчи томондан, диний экстремизм таҳдидига қарши муросасиз кураш олиб бормоқда. Ўзбекистон давлатининг дин билан муносабатининг асосий тамойиллари И.Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Бу тамойиллар давлатимизнинг ташқи сиёсатида, айниқса, ислом мамлакатлари билан ўзаро алоқаларида катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, мазкур масалани ўзбек сиёсатшунослиги ва диншунослигининг долзарб муаммоларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондаги давлат билан дин муносабатининг хорижда талқин қилинишини мазмун ва моҳиятига кўра шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳни мазкур сиёсатни демократик принципларга асосланган инсонпарвар сиёсат сифатида талқин қилиш ташкил этади. Хориждаги кўпчилик давлат, сиёсат, жамоат ва дин арбоблари ана шу гуруҳни ташкил қилади. Бир мақола доирасида уларнинг фикрларини тўла қамраб олиш, шарҳлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мушкул. Шу боис айрим фикрларгагина тўхталиб ўтмоқчимиз.

Л.Левитин янги Ўзбекистон билан жиддий шуғулланаётган нуфузли сиёсатшунос сифатида танилган. У ўзининг "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" ва "Ўзбекистон – тарихий бурилиш палласида" номли асарларида Юртбошимизнинг дин, жумладан, ислом динининг тикланишидаги сиёсати ва саъй-ҳаракатини юксак баҳолайди. "Ислом, унинг ҳуқуқий нормалари, маданият дурдоналари халққа маънавий қувват бахш этади, - деб ёзади олим. – И.Каримов халқ учун ҳақиқат бўлган ана шу омилни қатьий ҳисобга олган ҳолда сиёсат юргизади. Унинг эл орасидаги ҳурмат ва обрўси эҳтимол шундан бўлса керак [2.45.]. Муаллиф ўз фикрини аниқ далиллар билан асослайди.

1989 йил май ойи ва 1990 йил июнь ойи бошларида Фарғона водийси қонли миллий ва диний фожеалар гирдобида қолди. Л.Левитин И.Каримовни 1990 йил 25 июнида Фарғонадаги воқеалар ичига кириб бориб, одамлар билан юзма-юз суҳбатлашиб, даҳшатли фожеани тўхтата олган мард, оқил ва ноёб давлат арбоби сифатида баҳолайди.

"Ўзбекистон, - деб ёзади тадқиқотчи, - дунё мамлакатлари орасида миллатлараро ва динлараро қонли тўқнашувлар оловини ўчиришга эришган, бузғунчилик мантиқи ўрнини яратувчиликка интилиш эгаллаган жуда камёб юртлардан биридир" [2.10].

Муаллиф И.Каримовнинг Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида ҳақиқий урушга айланиб кетиши мумкин бўлган Ўш ва Ўзган (1990 йил июнь) фожеасини тўхтатишдаги жасоратини алоҳида таъкидлайди. Минг афсуски, унинг эътирофича, хориж матбуоти И.Каримов, А.Акаев ва Ч.Айтматовларнинг даҳшатли тус олиши мумкин бўлган фожеани бартараф эта олган оқилона тадбирларини жаҳон жамоатчилигига шарҳлаб беришга нима учундир бефарқ қарадилар. Ваҳоланки, воқеани ҳаққоний шарҳлаш турли минтақаларда ҳамон давом этаётган диний ва миллий низоларни бартараф қилишга ижобий таъсир қилиши мумкин эди.

Таниқли чечен башоратчиси Супянбек Шерипов И.Каримовнинг динлараро муросасозликни кучайтириш борасидаги хизматига шундай баҳо беради: "Каримов келажакда мусулмон дунёси бошқа маданият билан дуч келишини ило-

ҳий бир заковат билан англаб етди ва бу тўқнашув йўлига тўсиқ қўйди. Булар барчаси Каримовнинг буюк инсон эканидан далолат беради [4.1].

АҚШ Олий Ислом Кенгашининг раиси Шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний жаноблари Ўзбекистоннинг диний сиёсати турли динларни инсоний имон-эътиқодни мустаҳкамлайдиган, тинчлик ва хотиржамликни, ўзаро тотувлик ва меҳр-мурувватни барқарор этадиган илоҳий восита сифатида қадрланаётганлигидан мамнун бўлганлигини қайд қилади. “Айниқса, - деб ёзади Шайх жаноблари, - “Худо хоҳласа, Ўзбекистонда ислом дини яна гуллаб-яшнайди... Бизнинг диёримизда ислом дини тинчлик ва эзгулик дини сифатида қайтадан қарор топмоқда”, деган сўзларини тинглар эканмиз, у кишига нисбатан ҳурмат-эҳтиромимиз янада ортди” [5].

Бунга ўхшаш ҳаққоний талқинларини кўплаб келтириш мумкин. Холис ва ҳаққоний талқинлар давлатлараро ва динлараро дўстона алоқалар тақдирига ижобий таъсир қилади.

Иккинчи гуруҳга И.Каримовнинг диний сиёсатини зиддиятли ва шубҳали талқин қилишларни киритиш мумкин. Бундай ҳолнинг мавжудлигини хорижлик мутахассислар ҳам тан олишади. Чунончи, доктор Ҳедия Мираҳмадий (АҚШ) қуйидагиларни эътироф қилади: “Президент Ислом Каримов шаънига сафсата ёғдирувчи мақолалар кўпгина АҚШ мусулмонлари қатори бизни ҳам чалғитиб келганини катта таажжуб билан англадик. Баъзи бир камситишлар уни ислом динининг душмани деб кўрсатишгача бориб етдилар. Шу боисдан ҳам биз Президент Каримовнинг диний соҳадаги холис фаолиятини ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилдик” [6].

Демак, хорижда Ўзбекистон ва унинг раҳбариятининг дин соҳасидаги сиёсатини бузиб талқин қилиш хориж жамоатчилигини чалғитаётир. Ҳатто АҚШ нинг собиқ давлат котибаси Маргарет Олбрайт хоним 2000 йил 7-8 сентябрь кунлари Тошкентда бўлганида Вашингтон раҳбарлари ёлғон ташвиқот таъсирида Тошкентнинг диний терроризмга муносабатини нотўғри баҳолаганини, эндиликда АҚШ давлати И.Каримов сиёсатини маъқуллаши ва диний терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш йўлига ўтганлигини эътироф қилди. Албатта, бундай ҳақиқатга зид тасаввурлар мавжуд ҳолатни бузиб талқин қилишнинг натижасидир. Бу каби бўхтон ғоялар ғарб жамоатчилигида ислом ва мусулмонларга нисбатан носоғлом тасаввур туғдиради. Динлараро зиддиятли вазиятга сабаб бўлиши табиий. Масалан, 2002 йилда Францияда ўтказилган социологик тадқиқот ҳар икки французнинг биттаси ислом ва фанатизмни бир ҳодиса деб тушунишини кўрсатди [4]. Шунга ўхшаш, АҚШ сенатори Экберман “ислом ёвузлик империяси” ва у демократияга нафрат билан қарайди, шунинг учун Ғарбга қарши бутун кучини сафарбар қилади, деб ғирт ёлғон баёнот берган [7]. Табиийки, бу каби мафкуравий тажовуз ислом оламига мансуб Ўзбекистонга нисбатан ҳам душманлик туйғусини туғдириши мумкин.

Учинчи гуруҳни давлатимиз раҳбариятининг дин соҳасидаги инсонпарвар фаолиятини қасддан бузиб талқин қилиш ташкил этади. Айрим шарҳловчилар фикрича, “Ғарб матбуотида, АҚШ департаменти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари орасида Ислом Каримовни танқид қилувчилар топилади” [7]. АҚШ департаментининг Халқаро Кризис Гуруҳи 2003 йили тайёрлаган ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда эълон қилган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (янги таҳрири)ги қонуннинг диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талабини совет давридаги диний ташкилотлар устидан назорат қилишнинг тикланиши сифатида тавсифланган [7]. Аслида эса диний эркинликни таъминлаш, диний вазиятни соғломлаштириш, диний ташкилотлар ва диндорларни диний мутаассибликдан ҳимоялашни кўзда тутган қонун талабларини юқоридагидек бузиб талқин қилиш жаҳон жамоатчилигини чалғитиш, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка раҳна солиши мумкин, холос.

Ислом экстремизми бўйича таниқли АҚШ мутахассиси ҳисобланган Стефан Швару ҳақиқатни бузиб талқин қилувчиларни танқид қилиб қуйидагиларни ёзади: “Мусулмон оламида инсонлар дунёвий ва тақводор кишиларга бўлинмайди, улар анъанавий, плюралистик ва рационал исломий оқимларга бўлинади, Ғарб олами эса буни ҳар доим ҳам тушуна олмаяпти [7].

Кейинги 20 йилликда баъзи Ғарб (чунончи Лондонда нашр қилинадиган нуфузли “Экономист” газетаси) матбуоти саҳифаларида гўё ислом ва мусулмонлар ғарблиларга ёт, дўст бўлолмаслиги ҳақидаги исломофобик ғоялар тарқатилмоқда. Жаҳон жамоатчилиги Ғарб ва Шарқ маданиятлари, динларининг ўзаро яқинлашиши умуминсоният тақозоси эканлигини асослаётган бир шароитда бундай исломофобия ғоялари ўта туҳмат ва зарарли ғоядир.

Бутунарман католикоси марҳум Вазген биринчи ажойиб бир фикрни айтган эди: “Апостол Павел одамларнинг улкан ҳамжамиятини инсон танасига қиёслаган экан: тангри инсон танасини бир хил қилиб яратган, ундаги аъзолар бир-бири билан боғланган. Аъзоларнинг бирортаси оғриса, бошқаларига таъсир қилади, агар битта аъзо даволанса, бошқалари ҳам ундан баҳраманд бўлади. Ҳозирги кунда бу ҳикматни эсга олиш ғоятда зарур. Апостол Павел сўзлари барча миллатлар, барча дин эътиқодчилари учун шифобахшдир”[8].

Фикримизча, янги Ўзбекистондаги дин соҳасидаги демократик сиёсатни хорижда ҳаққоний талқин қилиш ва тушуниш ҳам шифобахш бўла олади. Чунки у давлатлар, халқлар, маданиятлар ва динларни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Аксинча, бузғунчи ғоялар мазкур ижобий жараёнга зарар келтиради. Бинобарин, янги Ўзбекистонда дин қадрият сифатида нафақат тикланди, ҳатто ривожлана бошлади. У миллий ғоянинг негизларидан бири сифатида фуқаролик ва ҳуқуқий жамият барпо қилиш ишига ижобий таъсир қилмоқда. Бу воқеликни хорижий мамлакатларда ҳаққоний ёритиш талаб қилинади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий мафкура ва маънавият тўғрисида.- Т., 2000
2. Левитин Л. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти.- Т.: Ўзбекистон,1995
3. Каримов И.А. Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш бурчимиз./ Халқ сўзи .- 1996.- 6 ноябрь
4. Шерипов Супянбек. Ҳаммаси ҳали олдинда. / Халқ сўзи.- 1993.- 3 июнь
5. Шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний. Ўзбекистон тинчлик ва меҳр-муҳаббат диёри экан. / Халқ сўзи .- 2000.- 10 октябрь
6. Доктор Ҳедия Мираҳмадий. Ўзбекистонда исломий уйғониш. / Халқ сўзи .- 2000.- 25 май
7. Дуглас Буртон. Ўзбекистон келажак учун курашмоқда. / Халқ сўзи.- 2003.- 30 декабрь
8. И тогда настало время. / Аргументы и факты.- 2002.- №5

Андижон давлат университети
2012 йил 20 мартда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Т.Ортиқов)